

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг  
2023 йилнинг II ярим йиллигига мўлжалланган  
И Ш Р Е Ж А С И**

| Т/р                                                                                                                                                                                                       | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Ижро<br>муддати   | Масъул вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимлари, таркибий корхона ва ташкилотлар                                                        |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>I. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида вазирликка тегишли вазифалар бўйича</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |                   |                                                                                                                                           |
| 1                                                                                                                                                                                                         | Тасдиқланган дастурлар асосида жорий йилда республикадаги 9 та шаҳарларнинг бош режаларига тегишли ўзгартиришлар (корректур) киритиш, 43 та шаҳарчаларнинг бош режалари ишлаб чиқиш, 42 та алоҳида ҳудудларнинг мастер режаларини ҳамда 94 та қишлоқ (овуллар) маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлаш.                                                                                                                                                   | 2023 йил давомида | Вазир ўринбосари Д.Адилов,<br>Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси,<br>Бош лойиҳа-қидирув ташкилотлари                   |
| 2                                                                                                                                                                                                         | <b>119-банд.</b><br>1 424 та кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | 2023 йил давомида | Вазир ўринбосари О.Жураева,<br>Кўп хонадонли уй-жой фондини тизимини бошқариш ва эксплуатация қилиш бошқармаси                            |
| 3                                                                                                                                                                                                         | <b>128-банд.</b><br>Республикадаги кўп квартирали уйларнинг марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | 2023 йил давомида | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ҳамда эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси |
| 4                                                                                                                                                                                                         | <b>129-банд.</b><br>Республика аҳолисини марказлашган ичимлик сув таъминоти билан таъминлаш даражасини 77 фоизга етказиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | 2023 йил давомида | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси                    |
| <b>II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари берилган топшириқлар бўйича</b>                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |                   |                                                                                                                                           |
| 1                                                                                                                                                                                                         | <b>ПФ-76. 5-илова 28.1-банд.</b><br>Кўп квартирали уйларни бошқариш органи томонидан кадастр паспортини расмийлаштириш билан боғлиқ тўловларни икки йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш тизимини йўлга қўйиш.<br>Бунда: 1) тўловларни (шу жумладан, кадастр паспортини расмийлаштириш учун тўловларни) жойлар мулкдорлари ёки тегишли кўп квартирали уйни бошқариш органи томонидан икки йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2023 йил 2 ярми   | Вазир ўринбосари О.Жураева,<br>Кўп хонадонли уй-жой фондини тизимини бошқариш ва эксплуатация қилиш бошқармаси                            |
| 2                                                                                                                                                                                                         | <b>ПФ-76. 5-илова 28.3-банд.</b><br>Кўп квартирали уйларни бошқариш органи томонидан кадастр паспортини расмийлаштириш билан боғлиқ тўловларни икки йил давомида                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | 2023 йил 2 ярми   | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Қурилиш соҳасида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази                       |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | Ижро<br>муддати     | Масъул вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимлари, таркибий корхона ва ташкилотлар                                                                                    |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш тизимини йўлга қўйиш. Бунда: 3) техник ҳужжатларга асосан тизимларни ўзаро интеграция қилиш;                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                     |                                                                                                                                                                       |
| 3   | <b>ПҚ-118. 5.5-банд.</b><br>Жорий йил 1 августдан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва лойиҳа концепциялари тасдиқланган туман (шаҳар)лардаги ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида босқичма-босқич модернизация қилиш ишларини бошласин.                                                                                                                                                                                      | 2023 йил<br>2 ярми  | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси                                   |
| 4   | <b>ПҚ-139. 6.2-банд.</b><br>Қурилиш вазирлиги қурилишда энергия тежамкор материалларни кенг жорий этиш орқали уй-жой қурилиши вақти ва таннарихини пасайтириш мақсадида: “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда ва кейинчалик доимий равишда кўп қаватли уй-жойлар қурилишида мазкур қарорга 4-иловадаги рўйхатда келтирилган энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари юзасидан кенг тарғибот қилиб борсин; | 2023 йил<br>2 ярми  | Вазир ўринбосари Ж.Арашов, Пудрат бозори ва қурилишда меҳнат муҳофазаси бўлими                                                                                        |
| 5   | <b>ПФ-144. 2-илова 4.2-банд.</b><br>“Кўп қаватли биноларни лойиҳалаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини илмий-тадқиқот ва тажриба синов натижалари асосида ишлаб чиқиш.<br>2. Хорижий ташкилотлар ва консультантларни жалб этган ҳолда “Кўп қаватли бинолар-ни лойиҳалаш” шаҳарсоз-лик нормалари ва қоидаларини илмий-тадқиқот ва тажриба-синов натижалари асосида ишлаб чиқиш.                                                                                              | 2023 йил<br>декабрь | Вазир ўринбосари Д.Адилов, Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти                                                                     |
| 6   | <b>ПФ-144. 2-илова 58.2-банд.</b><br>Зилзилабардош қурилиш соҳасида лойиҳалаш, қуриш ва қурилиш сифатини назорат қилиш усуллари ўрганиш мақсадида хорижий стажировкалар ташкил этиш.<br>2. Ходимларни ушбу соҳа ривожланган давлатларга стажировка ўташ учун юбориш ва уларнинг малакасини ошириш.                                                                                                                                                                              | 2023 йил<br>декабрь | Вазир ўринбосарлари Ш.Ҳидоят, Д.Адилов, Халқаро ҳамкорлик ва рейтинглар билан ишлаш бўлими,<br>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси |
| 7   | <b>ПҚ-158. 1-илова 15.2-банд.</b><br>Хусусий уй-жойларни маҳаллий хомашёдан зилзилабардош қилиб қуришда элементар сейсмик қоидаларини тарғиб этишга мўлжалланган “Зилзилабардош уй” сайти, мобил иловасини яратиш ва кенг оммага етказиш.                                                                                                                                                                                                                                       | 2023 йил<br>декабрь | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси                                                         |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            | Ижро<br>муддати     | Масъул вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимлари, таркибий корхона ва ташкилотлар                                                  |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | 2. Яратилган сайт, мобил иловага аҳоли фойдаланиши учун зилзилабардош уйларни қуриш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда зилзилабардош уй-жойларнинг намуна лойиҳаларни киритиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |                     |                                                                                                                                     |
| 8   | <b>ПҚ-204. 1-илова 20.3-банд.</b><br>Муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун зарур ер участкаларини аниқлаш, уларнинг муҳофаза зоналарини белгилаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.<br>3. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.<br>4. Лойиҳани Вазирлар Маҳкамасига киритиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | 2023 йил<br>2 ярами | Вазир ўринбосари Д.Адилов,<br>Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш<br>бошқармаси                                              |
| 9   | <b>ПҚ-257. 15.1-банд.</b><br>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ “Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш” лойиҳасининг 2-босқичи бўйича қурилиш ишларини 2023 йилнинг II ярим йиллигида бошласин.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | 2023 йил<br>декабрь | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси |
| 10  | <b>ПҚ-357. 2-илова 44.2-банд.</b><br>Кўп хонадонли уй-жойларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини юритувчи “Менинг уйим” биллинг тизимини жорий қилиш.<br>Механизм: Онлайн шартнома тузишда шахсни тасдиқлашда Ягона идентификация тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  | 2023 йил<br>2 ярами | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Қурилиш соҳасида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази                 |
| 11  | <b>ПҚ-357. 2-илова 54.2-банд.</b><br>“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизида “Рейтинг” ахборот тизимини жорий этиш.<br>Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | 2023 йил<br>2 ярами | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Қурилиш соҳасида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази                 |
| 12  | <b>ПҚ-427. 4-илова 11-банд.</b><br>Болалар оромгоҳларида коммуникация тизимларининг шай ҳолатда ишлашини таъминлаш.<br>Оромгоҳларда ичимлик сув, электр, табиий ва суюлтирилган газ таъминотининг узлуксизлигини таъминлаш; маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда мавсумда оромгоҳларда электр энергияси таъминоти узлуксизлигини таъминлаш бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиб бориш; оромгоҳларни қўшимча равишда дизель ёқилғисида ишлайдиган генераторлар билан таъминлаш чораларини кўриш; оромгоҳларни табиий газ, табиий газ бўлмаган ҳудудларни суюлтирилган газ билан таъминлаш схемасини ишлаб чиқиш ва мавсум давомида узлуксиз таъминотини йўлга қўйиш; ҳар йили мавсум | 2023 йил<br>2 ярами | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси              |

| Т/р                                                                                                                                                                   | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Ижро<br>муддати      | Масъул вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимлари, таркибий корхона ва ташкилотлар                                                        |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                                                                                       | бошланишидан аввал ва унинг якуни бўйича белгиланган тартибда оромгоҳларнинг коммунал тўловлари тўланишини таъминлаш.                                                                                                                                                                                                                                                      |                      |                                                                                                                                           |
| <b>III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилда республика ҳудудларига ташрифлари<br/>яқунлари юзасидан тасдиқланган баёнларда тегишли вазифалар бўйича</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |                      |                                                                                                                                           |
| 1                                                                                                                                                                     | <b>17-2022 (10.03.2022) 46.1-банд.</b><br>2023 йил якунига қадар Тошкент шаҳар тажрибаси асосида республиканинг барча ҳудудларида “оғир” тоифадаги ширкатларни тугатиб, уларнинг бошқарувидаги кўп квартиралли уйларни танлов ва рейтинг асосида бошқарувчи ташкилотларга бириктириш чораларини кўрсин.                                                                    | 2023 йил<br>давомида | Вазир ўринбосари О.Жураева,<br>Кўп хонадонли уй-жой фондини тизимини бошқариш ва эксплуатация қилиш бошқармаси                            |
| 2                                                                                                                                                                     | <b>78-2022 (31.12.2022) 19-банд.</b><br>2023 йил 1 сентябрга қадар Татаристон Республикасининг “КЭР-Холдинг” компанияси билан ҳамкорлик доирасида Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, шунингдек, магистрал иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун “электрон модел”ларни яратиш чораларини кўрсин. | 2023 йил<br>август   | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси       |
| 3                                                                                                                                                                     | <b>78-2022 (31.12.2022) 21-банд.</b><br>2023 йил якунига қадар Бухоро, Жиззах, Нукус ва Урганч шаҳарлари иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида когенерация технологияларини жалб қилган ҳолда модернизация қилиш бўйича халқаро ва маҳаллий маслаҳатчиларни жалб қилсин ҳамда лойиҳа баҳолаш ҳужжатлари ишлаб чиқирилишини таъминласин.              | 2023 йил<br>давомида | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси       |
| 4                                                                                                                                                                     | <b>79-2023 (15.12.2022) 26.1-банд.</b><br>Бириктирилган тижорат банклари раҳбарлари билан биргаликда 17 та туман ва шаҳарларининг мастер режаларини ишлаб чиқиш, мастер-режа асосида савдо ва сервис объектлари учун янги ерларни аукционга чиқариш.                                                                                                                       | 2023 йил<br>декабрь  | Вазир ўринбосари Д.Адилов,<br>Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси                                                       |
| 5                                                                                                                                                                     | <b>5-2023 (17.02.2023) 13-банд.</b><br>Янги Андижондаги 192 та кўп қаватли уйлар ва 6 та ижтимоий соҳа объектларини кафолатли иссиқлик билан таъминлаш учун 20 Мегаватт қувватли кўмирда ишлайдиган когенерация лойиҳасини амалга ошириш ҳамда унинг I босқичини жорий йилнинг декабрига қадар ишга тушириш чораларини кўриш.                                              | 2023 йил<br>давомида | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ҳамда эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси |
| 6                                                                                                                                                                     | <b>8-2023 (23.02.2023) 8-банд.</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | 2023 йил<br>давомида | Вазир ўринбосари О.Жураева,<br>Кўп хонадонли уй-жой фондини тизимини бошқариш ва эксплуатация қилиш бошқармаси                            |

| Т/р                                                                                                                                                                                                                                                    | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | Ижро<br>муддати              | Масъул вазир ўринбосарлари, бошқарма ва<br>бўлимлари, таркибий корхона ва ташкилотлар                                                                      |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                                                                                                                                                                        | Шаҳардаги 600 та кўп қаватли уйларнинг томларида жорий йилда 40 млн. киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга қуёш панеллари ўрнатилишини таъминласин.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                              |                                                                                                                                                            |
| 7                                                                                                                                                                                                                                                      | <b>9-2023 (28.02.2023) 56-банд.</b><br>Жиззах Архитектура ва қурилиш техникуми қошида ташкил этилган Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази Ўқув-амалиёт полигонини қуриш ва тегишли жиҳозлар билан жиҳозланишини масъул вазирлик ва идораларга ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан таъминласин.                                                                                                                                                                                                                                                                                      | 2023 йил<br>давомида         | Вазир ўринбосари Д.Адилов,<br>Иқтисодий ислохотлар бўлими                                                                                                  |
| <b>IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сон Фармони бўйича</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |                              |                                                                                                                                                            |
| 1                                                                                                                                                                                                                                                      | <b>2.33.3-банд.</b><br>Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфраструктурасининг етарли қуввати билан таъминланган кўп квартирали уйларни қуриш учун ер участкаларини аукционга қўйиш.<br>3. Инвесторларни танлашнинг аниқ мезонларини (“замонавий менежмент” тизимининг жорий этилганлик даражаси, уларнинг фаолиятини бошқариш тизими, режалаштириш самарадорлигини баҳолаш), тегишли инвестиция шартларини бажаришга доир талабларни белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.                                                                                                                                                  | 2023 йил<br>яқунига<br>кадар | Вазир ўринбосари Д.Адилов,<br>Иқтисодий ислохотлар бўлими                                                                                                  |
| 2                                                                                                                                                                                                                                                      | <b>2.52.2-банд.</b><br>Архитектура-қурилиш йўналишидаги касб-хунар таълими муассасаларини “Электрон таълим” миллий тармоғига улаш.<br>2. Архитектура-қурилиш йўналишидаги касб-хунар таълими муассасаларини сервер ва компьютер асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | 2023 йил<br>яқунига<br>кадар | Вазир ўринбосари Д.Адилов,<br>Компетенцияни ривожлантириш ва малакани<br>баҳолаш тизимини мувофиқлаштириш бўлими,<br>Бухгалтерия,<br>Хўжалик ишлари бўлими |
| 3                                                                                                                                                                                                                                                      | <b>2.60.3-банд.</b><br>Кадрларни бошқариш тизимини ривожлантириш ҳамда қурилиш органлари ва муассасалари тизимига малакали ходимларни жалб қилиш.<br>3. Қуйидагилар бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш: қурилиш органлари ва муассасалари ходимлари учун халқаро экспертлар иштирокида хорижий амалиёт, семинарлар, маҳорат дарслари ва ўқув курсларини ташкил этиш; қонун ҳужжатларидаги янгиликлар ва долзарб муаммоларни ҳисобга олган ҳолда Қурилиш вазирлиги тизими ходимлари учун ўқув дастурларини яратиш ва янгилаш; меҳнат жамоасини профессионализм, ходимларнинг янгиликларга (стресс-менежмент, тайм- | 2023 йил<br>яқунига<br>кадар | Вазир ўринбосарлари Ш.Ҳидоятлов, Д.Адилов,<br>Инсон ресурсларини ривожлантириш ва<br>бошқариш бўлими                                                       |

| Т/р                                                                                          | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | Ижро<br>муддати      | Масъул вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимлари, таркибий корхона ва ташкилотлар                                                                                    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                              | менежмент, тимбилдинг ва бошқалар) интилувчанлиги ва мослашувчанлигига эришиш мақсадида ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |                      |                                                                                                                                                                       |
| <b>Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 ярим йиллик иш режасида берилган топшириқлар бўйича</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                      |                                                                                                                                                                       |
| 1                                                                                            | <b>1-илова 4-банд.</b><br>2023 йил 30 июль - 30 август кунлари республика ҳудудида “Ободонлаштириш ойлиги”ни ўтказиш тўғрисида.                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | 2023 йил<br>август   | Вазир ўринбосари О.Жураева,<br>Кўп хонадонли уй-жой фондини тизимини бошқариш ва эксплуатация қилиш бошқармаси                                                        |
| 2                                                                                            | <b>1-илова 16-банд.</b><br>Тошкент шаҳрида сизот, оқар ва ёмғир сувларининг шаҳар ҳудудидан беталофат чиқариб юборилишини таъминлаш ёғингарчилик даврида сув тошқинларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида.                                                                                                                                                                                                             | 2023 йил<br>август   | Вазир ўринбосари О.Жураева,<br>Кўп хонадонли уй-жой фондини тизимини бошқариш ва эксплуатация қилиш бошқармаси                                                        |
| 3                                                                                            | <b>1-илова 36-банд.</b><br>2023 йилда давлат-хусусий шерикчилик асосида йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини ишга тушурилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида.                                                                                                                                                                                                                               | 2023 йил<br>октябрь  | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоятлов,<br>ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси                             |
| 4                                                                                            | <b>3-илова 17-банд.</b><br>Тошкент шаҳрида электр таъминотини яхшилаш бўйича режалаштирилган объектларни ишга тушириш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида.                                                                                                                                                                                                                                                    | 2023 йил<br>август   | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоятлов,<br>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси                                                   |
| 5                                                                                            | <b>6-илова 36-банд.</b><br>“Республикада ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган лифт ва эскалаторларнинг давлат стандартларига ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ўрганишни ташкил этиш ҳамда кўп квартирали уй-жой фонди, аҳоли гавжум бўладиган объектларда уларнинг ўрнатилишини назоратга олиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2023 йил<br>сентябрь | Вазир ўринбосари О.Жураева,<br>Кўп хонадонли уй-жой фондини тизимини бошқариш ва эксплуатация қилиш бошқармаси                                                        |
| 6                                                                                            | <b>9-илова 1-банд.</b><br>Қонунчилик ва ижро ҳокимиятини такомиллаштириш, ихчам ва самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, кучли ва талофатли зилзила оқибатида аҳоли ҳаётини сақлаб қолиш бўйича тизимдаги кадрларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш.                                                                                                                                                                              | 2023 йил<br>2 ярми   | Вазир ўринбосари Д.Адилов,<br>Компетенцияни ривожлантириш ва малакани баҳолаш тизимини мувофиқлаштириш бўлими,<br>Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими |
| 7                                                                                            | <b>9-илова 2-банд.</b><br>Сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг янги усулларини жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, кучли зилзилаларни                                                                                                                                                                                                                                                                           | 2023 йил<br>2 ярми   | Вазир ўринбосари Д.Адилов,<br>Қурилишда техник меъёролаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти                                                                 |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси                                                                                                                                                                                                                                                                              | Ижро<br>муддати      | Масъул вазир ўринбосарлари, бошқарма ва<br>бўлимлари, таркибий корхона ва ташкилотлар                                                                    |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | прогноз қилиш ва уларга тайёргарлик кўришнинг замонавий тизимини амалиётда тадбиқ этиш.                                                                                                                                                                                                                                            |                      |                                                                                                                                                          |
| 8   | <b>9-илова 5-банд.</b><br>Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, белгиланган таъқиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳолатлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кескин кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2023 йил<br>август   | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси                                            |
| 9   | <b>9-илова 6-банд</b><br>Лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишлари давомида лойиҳага мувофиқ бериладиган ҳар бир мажбурий кўрсатмани тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликни ва ваколатли органни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш.                                                                    | 2023 йил<br>август   | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси                                            |
| 10  | <b>9-илова 11-банд.</b><br>Бухоро, Жиззах, Шаҳрисабз, Зарафшон, Тошкент, Гулистон, Нурафшон, Чирчиқ, Бекобод, Самарқанд, Қарши, Термиз, Олмалик, Янгиер, Янгийўл шаҳарларининг рақамли сейсмик микроҳудудлаштириш хариталари ишлаб чиқилишини ташкил этиш.                                                                         | 2023 йил<br>2 ярми   | Вазир ўринбосари Д.Адилов, Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси |
| 11  | <b>9-илова 17-банд.</b><br>Республика ҳудудида қурилаётган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, ҳудудларда сейсмик заиф бино ва иншоотларни инструментал-техник текширувдан ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва қурилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида                                             | 2023 йил<br>сентябрь | Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси                                            |
| 12  | <b>9-илова 19-банд.</b><br>Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида” Қонуни ижросининг ҳолатини мақсадли ўрганиш.                                                                                                                                                  | 2023 йил<br>сентябрь | Вазир ўринбосари Д.Адилов, Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти                                                        |
